

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ФАРМОНИ

332 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармонига мувофиқ ва туризм соҳасида бизнесни юритиш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирайсинлар.
3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 4 май,
ПФ–5033-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 4 майдаги
ПФ–5033-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон Фармонида:

- а) 1-банддаги «махсулотларни ишлаб чиқаришга» сўзидан кейин «(хизматлар кўрсатишга)» сўзлари қўшилсин;
 - б) иловага қуйидаги мазмундаги 21-банд қўшилсин:
«21. Туризм (имтиёзлар 2017 йил 1 июндан бошлаб қўлланилади):
мехмонхона хизматлари;
туристик хизматлар.»
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республика-

сининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ–4861-сон Фармонининг 12-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Юридик шахслар:

белгиланган тартибда сертификатланган камида 4 юлдузли даражадаги меҳмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширилган санасидан бошлаб улар юридик шахсларнинг фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек юридик шахсларнинг ягона солиқ тўлови;

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, меҳмонхона ва мотеллар қуриш ва қайта таъмирлаш учун олиб келинадиган асбоб-ускуналар, техникалар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, туризм фаолияти субъектлари томонидан туристларни ташиш учун мўлжалланган, сифими 9 кишидан ортиқ бўлган янги автотранспорт воситалари сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғим транспорт воситалари сотиб олиш қийматининг 3 фоизи миқдорида ундирилади.».